

## Дубай авиакомпанияси Рамазон ҳайити муносабати билан авиачипта нархларини арзонлаштирмоқда



13:00 / 22.05.2019 2171

Дубай авиакомпанияси маъмурияти Ийд-ал-Фитр муносабати билан бир қанча йўналишлар бўйича авиачипта нархларини арзонлаштирганини маълум қилган. Ушбу акция эконо-класс ва бизнес-класс тарифларини ўз ичига олади. Акция талабига кўра, авиачипталар 2020 йилнинг 29 февралигача, саёҳат қилиш учун жорий йилнинг 30 майгача брон қилиниши керак. Ушбу акция 10 та йўналишда жорий этилган: Париж, Токио, Қувайт, Лондон, Брисбен, Бангкок, Касабланка, Жидда, Истамбул ва Лос-Анжелес.

Шунингдек, кимдир Emirates Holidays орқали брон қилмоқчи бўлса, 2435 дирҳамга 4 юлдузли меҳмонхонада уч ҳафта истиқомат қилиши мумкин.

Ресторанлар учун 50 фоизгача имтиёз берилади.